# ХОР ИЖРОСИНИНГ АСОСИЙ БАДИЙ-ИФОДА ВОСИТАЛАРИ

Дарс режаси:

1. Хор ижрочилигида мусикавий тасвирчанлик воситалари
2. Хулоса

Адабиётлар


1. Левандо П.П. «Проблемы хороведение» Л. 1974
2. Палищева О. Методика постоновке голоса М, 1964


**Суз боши**

Бадий ифода асарнинг гоявий мазмунини очиш формаси хисобланади, чунки хорнинг ижроси бадий ифодага эга булмаса, асарнинг гоявий-бадий мазмунини тингловчилар тушуна олишмайди. Ифодали ижро асарнинг асосий мохиятини очиб беради, тингловчилар калбини хаяжонга солади, маънавий озик беради. Хорда нюанслар, агогика, динамика каби ижро воситалари булмаса, унинг ижроси кизикарли булмайди. Хор жамоаси динамик, ритмик, темп, жумлалаш (фразалаш) каби бадиий-ифода воситаларига эга булиши шарт.

## АСАР ЖУМЛАЛАРИНИ АНИКЛАШ

Мусика асари кисм даврлардан иборат. Асарнинг маълум бир кисмидаги мусикавий фикр даврни ташкил килади. Давр эса гапларга, гаплар-жумлаларга, жумлалар охангларга буланади. Шу мусика булакларини яхлит бир фикрга бирлаштириб, маъносини тушунган холда ижро килиш мусикавий жумлалаш дейилади. Рахбар хор жамоасига асар мазмунини тулик тушунтириш зарур - бу мусикавий тил ва ифода воситаларидир. Мусикавий жумлалаш ифодали нуткга якин, чунки ифодали нуткда фикрлар бир-биридан ажратади, уларнинг асосийсига мантикий ургу берилади. Тингловчи аник ва лунда тушуниши учун ритм ва цезуралар (ажратиб турган жумлалар)лигалар ёрдамида улаб борилади. Асарда суз ва мусика ургулари бир-бирига тугри келса хонандаларга хам куйлаш осон булади. Мусика жумлаларини равон ижро килиш ва авжини (кульм) аник куйлаш-ифодали жумлалашдир.

Жумлалаш - динамика, пезура, агогика, нафас, фермато каби мусикавий ифода воситаларини уз ичига олади.

УЛЧОВ. Асарнинг улчов ва ритмини сезмасдан, уни ижро этиб булмайди. Улчов - кучли ва кучсиз хиссаларнинг ритмик алмашишидир. Кучли хисса улчов зарбини хосил килади ва мусикани тактларга булади. Улчов оддий (тактда битта кучли хиссадан иборат) булади. Улчов асар бошида калит олди белгиларидан сунг ёзилади.

РИТМ-асарнинг чузимини, ургуларини, тузилишини уз ичига олади. Ритм оддий, мураккаб, бир ёки хар улади. Усиз мусика булмайди, чунки ритм – мусиканинг юрагидир.

ФЕРМАТО-жумла охирида, суз уртасида ва асар охирида куйилади (ост-ка).
ТЕМП-Харакат тезлиги. Агар асарнинг темпи сезиларли даражада узгарса, унинг маъноси, характери хам узгаради. Аник темпни топгандан кейин, уни бир оз тез ёки секин килса булади. Хамма хор асарларида бошдан охиригача бир темп сакланмайди. Асарнинг маъносига караб агогик узгаришлар улиши мумкин.Масалан: ёки(агогика-узгариш). (ритмик эркинлик белгиси). Жамоа ижрода яхши ритмик бирликка эришиш учун нутк ритмидан фойдаланиш керак. Темплар-

огир,
секин
жуда секин
шошмасдан
тез
жуда тез

Асарнинг темпини метроном билан аниклаш мумкин.
ЭМОЦИОНАЛЛИК. Асар мазмунини тулик очиш учун факат овоз х-ри ва тугри суз талаффузи кам, яна хонандалар мимикаси хам зарур.
Масалан: хор кувнок кушик ижро килса-ю, хонандалар чехрасида хурсандчилик сезилиб турмаса, ижро жонли булмайди. Дирижёрнинг мимикаси хам мухим урин тутади, чунки у хорга таъсир килади. Хорнинг ижро махоратини унинг вокал-хор техникаси билан ижродаги бадиий ифода воситалари ташкил килади.

## *ДИНАМИК ТУСЛАР (НЮАНСЛАР)*

Динамик-грекча-куч демакдир. Мусикада динамик товуш кучи деганидир. Товушнинг динамик белгиси-нюанс (тус-фр.) Динамик туслар ёки нюанс бир маънони билдиради.
Товуш кучининг асарнинг бошидан охиригача таксимланиши унинг динамикаси дейилади. Дирижёр асарни ургатаётганда мусика тилига, табий логик ургуларга, динамик тусларга, хар бир мусикавий жумла ва даврдаги фикрга ахамият бериш зарур.
Нюанслар хам бадиий ифода воситаси хисобланади. Бастакор куйган динамик белгиларни аник бажариш керак. Хар бир катта ва кичик мусика жумласи бошланиш, урта (авж) ва охирги кисмларга булинади. Хорда нюансига эришиш кийин, чунки овоз кучи каттик булганда эшитиш органларига таъсир килади. Нюансида ансамбл, яхши созга эришиш кийин. Нюансни хам каттик, хам юмшок килиб ижро этиш мумкин. Пиано ижросига огир, босик товушда огизни юмиб ва очиб машк килиб эришиш мумкин. Пиано пастда-юмшок, уртада-равон ва юкорида-енгил булиб эшитилади.

Энг кийин нюанслар ва
Динамик тусларга киради:

(машклар-бир нотани (аккордни) занжирий нафасда 2-3-4 такт килиш).
Сфорцанда, субито пиано, акцент каби динамик белгилар устида алохида ишлаш керак.

Куплет формасидаги асарларга нюанслар хар хил куринишда кулланилади, максад, асарни бир хил эмас, балки хар хил килиб ижро килишдир.

## ВОКАЛ- ХОР ТАРБИЯСИ

Хорда олиб бориладиган вокал ишларининг максади, хонандаларда тугри куйлаш малакаларини устиришдир.

Вокал ишларига киради:

1. Хорнинг мухим элементлари устида ишлаш (хамоханглик, яхши соз, суз талаффузи, бадиий ифода воситалари).
2. Тугри нафас олиш, вокал товуш барпо килиш.
3. Хор жамоаси аъзоларини бир хил вокал малакаларига эга килиш.

Вокал-хор техникасига, асосан нафас, товуш хосил килиш, уни чузиш, динамика, интонация ва дикция малакалари киради.

Хорда хар доим вокал-хор техникасини ривожлантириш зарур, чунки яхши ансамблга, созга, динамик мустахкамликка, дикцияга ва тембр буёкларига эришишда вокал-хор техникаси мустахкам булиши зарур. Хонандалар овозларини эхтиёт килишлари керак-овоз пардаларини толиктириш, каттик кичкириш холлари хорда вокал ишлари савиясини пасайтиради.

## КУШИК АЙТИШ КУРСАТМАСИ

Кушик айтиш учун икки холат бор: туриб ва утириб. Туриб куйлаш энг кулай холат хисобланади. Лекин машгулотни бошидан охиригача турса хонандалар жисмоний толикишади.

Туриб куйлаганда гавдани ва бошни тугри тутиш, кулларни пастга тушириш, кукрак кафасини кутариш керак.

Утириб куйлашда –оёкларни ерга тугри бурчак килиб босиш, кулларни тиззаларга куйиш, гавдани тугри тутиш керак.

## НАФАС

Вокал-хор ижрочилигининг асоси бу нафасдир. Тугри нафас олиш-энг мухим элементдир. Куйлаганда нафас олиш оддий нафасдан фарк килади. Чунки тез олиниб, секин чикарилади. Нафас олиш уч турга булинади:

1. Юрак кукрак (ключичное)- кифтдан ) нафас кукракнинг юкори кисмига олиниб, кифтлар кутарилади. Бу тури зарарлидир. Куйлашда бу тури ишлатилмайди.
2. Кукрак-корин (урта ковурга-бикин)
3. Аралаш (пастки ковургага-диафрагма)

Куйлашда учинчи тури кулланилади. Бундай нафас олишда бикин ва пастки ковургалар кенгаяди. Кифтлар (плечи) кутарилмайди. Нафасни тежам билан сарфлаш керак.Нафас огиз ва бурундан олинади.

Показать как брать дых, руки ниже ребер, двигать животом, плечи не поднимать.

Нафас асарнинг темпига, жумлаларнинг катта-кичиклигига караб тез енгил , текис, чукур олинади.

Нафас олиш кушик тайёргарлик ролини уйнайди. Нафас тежам билан сарифланади. Куйлаганда куп нафас олиш мумкин эмас, чунки шовкин

булади ва ортикча олинган хаво овозда детонация пайдо булади. (детонер-фр фальш куйлаш, товушнинг пасайиши). Нафасни партитурада у белгиси курсатади. Нафас жумлаларни бошдан ва охирида олинади. Суз уртасида нафас олиш мумкин эмас.

## *ЗАНЖИР УСУЛИ*

Хорда куп учрайдиган нафаснинг бир тури занжир. У узок муддатгача нафас олиш мумкин булмаган пайтларда кулланилади.

Асарларни ижро этишда куй узилиб колмаслиги учун-хонандалар бирданига эмас, навбатма-навбат нафас оладилар. Яъни биттаси нафас олганда, ёнидаги ижрони давом этади. Кейин биринчи хонанда нафас олиб партияга кушилади. Бу усул занжир ёки улама нафас олиб партияга кушилади. Бу усул занжир ёки улама нафас дейилади.

Хорда ковурга-диафрагма нафас олиш тури кулланилади ва нафас жумлаларга караб киска, чукур ва занжир усули билан олинади.

## ТОВУШ ТАЯНЧИ

Нафас таянчи билан овоз ва артикуляция аппаратининг харакати.

Нафас олганимизда пастки ковургалар кенгаяди, корин олдинга чикади ва икки чети (бикинлар) каваради, натижада пресс хосил булади, чунки корин мушаклари таранг булади. Биз куйласак товушимиз шу нафас прессига таянади. Товуш таянчи нафаснинг текис чикишига боглик, чунки нафас тежалади ва овоз пайдо булиши пайтида бутунлай товушга айланади. Хорда баркарор инт-яни вужудга келтиради.

## ***ТОВУШ ХОСИЛ КИЛИШ***

Товуш-овоз аппаратининг «махсули»дир. Товуш хосил килишни фонация дейилади. (фоно-товуш грек). Товушни кучлантиради ва хар хил тембр беради. Резонатор икки хил булади: юкори ва пастки.

Юкори (бош)-хикилдок, бурун ва огиз бушликлари.

Пастки (кукрак)-кукрак кафаси киради.

Диапазонинг юкори регистр товушлари-бош резонатор, пастки регистр товушлари-кукрак резонатори дейилади. Урта регистр товушларини аралаш (бош ва кукрак) дейилади.

Товушнинг баланд ёки пастлиги овоз пардаларининг узун,кискалигига, таранглигига, хаво йулининг босимига, нафас олиш органларининг юкори, пастлигига богликдир. Овозни куйлаш (пост-ка голоса) тушунчасига-хонанданинг тугри куйлашга ургатиш киради. Бу овоз аппаратини тугри холатда ушлаш, овозни чузишни билиш, нафас таянчига, товуш таянчига эришиш.Энг кийин иш –бу тугри товуш хосил килиш ва уни шакллантириш. Хорда ок товушда куйлаш мумкин эмас.

«а» ни «о» га якин, лекин «о» га, «я» ни «ё» га айлантириб, сузларни бузиш керак эмас, хатто маъноси хам узгариб кетади.

Эснаганимизда томок бушлиги кенгаяди. Товуш барпо килиш жараёнида енгил эснаш холати булиши керак, чунки огиз бушлигининг кенг очилиши овознинг эркин ва жарангдор булишига ёрдам беради.

Хорда бакириб гапириш мумкин эмас. Асосий шартлардан бири регистрларни текислаш ва товушларнинг аралаш (микет) садосига ургатиш. Киши овозида уч регистр бор (паст, урта, баланд) ва регстрдан регистрга

утишда овоз узгаради. Шунда овозни ярим ёпик (никобдор) холда килиб куйлаш керак (академик ижро).

ОХАНГНИ ЮРГИЗИШ УСУЛЛАРИ

Хор адабиётида хар хил ижро белгилари ишлатилади: оханг бир текис булса - , алохида янграса - узиб-узиб ижро этса артикуляциянинг яна бир усули – цезурадир. Цезура – асарнинг кисмлари чегараси. У сезилмасдан, паузада бажарилади. Цезура вактида нафас олиш мумкин ( , ) белгиси.

ТОВУШ АТАКАСИ (ХУЖУМИ)

**Нафас олиш тугаб, товушнинг бошланиши атака дейилади**

(итал. хужум дегани). Атака турлари – юмшок, каттик ва нафас олингандан сунгги товушнинг юмшок бошланиши. Юмшок атака дейилади. Товушнинг каттик пайдо булиши каттик атака дейилади. Нафас олингандан сунг атакада овоз пардалари нафас чика бошлагандан сунг кучсиз жипслашади. Бундай атака кам учрайди. Атака асарнинг х-га богликдир, шунинг учун асар хар-га мос овоз тембри ишлатилади.

Атакаларни яхши узлаштириш учун хар доим юмшок атакада ишлатиш керак, лекин «таянч» сиз булмаслиги керак. Каттик атака марш характеридаги тантана асарларга тугри келади. Каттик бакирмай айтиш керак. Товуш хосил килиш ва унинг софлигига эришиш (яъни товушни юкори позицияда куйлаш вокал-хор ижрочилигининг энг мухим компонентидир. Юкори позицияда куйлаш – бу бош резонатордан фойдаланишдир). Овоз бош резонаторда булганда бош «маска» сида тебраниш пайдо булади. – кошлар устида, Т – танглайда.

***Юкори позицияда куйлаш хорни тоза интонацияга***

(созга) эга килади (закр.рт.петь полезно). Эркаклар фальцет билан куйлашлари мумкин. Фальцет (ит. –сохта-подделка) – бош резонатор ишлатилади. Хорда ишлатилмайди, факат машк килганда, овоз толиктирмаслик учун.

ДИКЦИЯ

Асардаги адабий текст сузларини етказиб бериш воситаси дикция дейилади. Суз фикрини аниклаштирса, мусика эмоционал буёклар билан тулдиради. Демак, хор мусикасида суз ва мусика органик бир-бири билан богликдир. Дикция (лот. –нутк, аник суз). Хор рахбари дикция, мантикий ургу, орфоэпия (тугри нутк фани) коидаларини ургатиш шарт. Дикциянинг аник булиши нутк аппаратининг ишлашига боглик. Овоз пардалари, тил, лаблар, юмшок танглай, каттик танглай, жаглар, тишлар, артикуляция аппаратини ташкил килади. Улар актив ва пассив булади.

Артакуляция (лот. булиши дегани). Дикциянинг аник ё ноаниклиги арт-я аппаратининг актив ёки пассивлигига боглик овоз унли товушлар билан чузиб турилади. Унли товушларни узлаштиришда ундош товушларнинг аник талаффузи катта ахамиятга эга. Ундош товушларнинг аник эшитилиши устида ишлаш керак. (Мисол, суз охирида 1) дарахт 1, мард ёки, 2/ конли – ко-нлифакат куйлаганда кон-ли деб аталади. 3/ буюк канал (буюк канал) эшитилади. Иккита бир хил ундош учраса, aператилиб талаффуз этилади.

Юкори регисторда куйлаганда аник талаффуз килиш кийин. Машк килиш керак урта регистрда.

Хонандаларнинг овоз аппаратини маълум машклар билан киздириш керак. Овоз аппаратининг созлаш учун 10-15 минут керак. Бу машгулотларда тугри позицияга ва нафасга, яхши ансамбль ва созга, яхлитлик ва жарангдорликка эришилади.

Урта регистр, куйлаш тесситура, секин темпда унисондаги машклар билан бошланади. Кейин 2-3-4 овозли гармоник ва полифоник машкларга утилади.

Бутун хор ёки партиялар билан алохида машклар айтиш мумкин (Б, А, Т, ) машклар хар хил характерда - журсиз ва ф-но журлигида булади.

Хор садосининг мухим элементларига соз, ансамбль ва нюанслар киради. Бундан ташкари-дикция, тугри нафас ва тугри товуш хосил масалалари хам катта ахамиятга эга.

## ХОР АНСАМБЛИ

Ансамбль – товушлар садосидаги бирлик, аник темп ва ритмда овозларнинг тембрига кура хамоханглиги хор ва жур, солист ва хор овозининг уйгунлашуви натижаси. Анс –фр- бирга демакдир.

Вокал ансамбль –бу дуэт, триго. Квинтет ва хоказо.

Бир неча кишининг мусика асбобларда чалишини хам ансамбль деймиз.

Хор ва орк.-бу жамоа анс. Хорда –хор партиясидаги хонандалар –хонандалар ансамбли булади.

Хор ансамбли 2 куринишда булади – 1. Хусусий 2. Умумий.

1. Хусусий ансамбль – алохида бир партия товушларнинг уйгунлиги.
2. Умумий ансамбль – хордаги ансамблларнинг, хор партияларнинг кушилиши, яъни партиянинг кушилиши, агар бирир овоз ажрилиб турса - танс. Йук. хусусий (партиядаги) ансамбл бузилса, умумий ансамбл хам хосил булмайди.

Хор ансамбли куйидаги элеметлар билан боглик:

1. Горизонтал инт-я (мелодия)
2. Оовоз х-ри (тембри)
3. Овоз кучининг динамикаси
4. Ритм
5. Агогика
6. Дикция ва бошкалар Хоршуносликда ишлатиладиган (учрайдиган) терминлар:
   инт-я анс-лисоз анс-ли тембр анс-ли

1. Динамик анс-ли (партиялардаги овоз кучининг тенглиги)
2. Агогик анс
3. Дикция анс
4. Тесситура анс

Шу элементлардан биронтаси бузилса умумий булмайди.

***Хусусий анс-ль***

Партияларни тузаётганда бир овоз тембри иккинчи овоз тембрига мослигига караши керак. Бу асосий шарт. Ярим анс.-ёки Т+Б ( иккита бир жинсли овоз партияларининг кушилиши ). Нотула анс. - ёки /Б/ Т+Б+А /ёки/ /уч овоз партиясининг кушилиши.

Умумий анс. (тулик) –хамма овоз партияларининг тенглиги.

Хорда умумий анс-лни барпо этиш учун:

1. Хонандалар сони тенг булиши керак (хар бир партиясида).
2. Овозлар бир хил булиши керак
3. Партияда тоза унисонли анс-га эришиш керак.

Шунинг учун овознинг тембр, динамик, темп, интонацион ва суз талаффузи бирлиги (анс-га )эришиш керак.

Хор асари фактурасининг тузилишига караб ансамбл турлари хар хил булади:

1. Унисон ёки октава анс. (жарагдор булади).
2. Аккорд-гармоник асарлардаги анс. (куй бирорта парпода).
3. Полифоник асарлардаги анс.
4. Хор ва солист уртасидаги анс. (хор-фон ролида куйни яккахон айтади)
5. Хор, жур ва солист ур.анс. (планда хор, орк унга журлик килади).

Солист айтганда, хор ва орк халакит бермаслиги керак /Р/.

Табий ансамбль.

Овоз партиялари тенг тесситур шароитда булса, бир хил регистрлардан фойдаланилса – табиий анс.дейилади. (бир хил динамик булса).

Сунъий ансамбль.

Агар асарда партиялардаги куй хар хил регисторларида ёзилган булса (1 партия юкори регистрда, 2 си- пастда) овоз кучи бир хил булмайди. Умумий анс. Бузилади. Шунда дир-р сунъий равишда партиялар садосини динамик жихатдан тенглаштиради. Бу сунъий анс. дейилади.

Агар хамма партиялар бир хил тесситурада булса, факат битта партия регистрда. Хамма куйласа, пастки партия куйлаши керак.

Сунъий равишда анс.барпо булади.

Баъзан А 3 кура баланд , ёки Т А – баланд булади. Анс.турини аниклаб тулик анс. барпо килиш керак.

Текшириш саволлар:

1. Хорда бадиий ифода воситаларига нималар киради?
2. Асарнинг таъсирчанлигини ошириш учун нималардан фойдаланиш керак?

Таянч тушунчалар:

1. Темп – харакат тезлиги
2. Соз – интервалларнинг товуш баландликлар муносабати системаси?
3. Интонация - каттик талаффуз киламан.